

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УТЕГЕНОВА САРБИНАЗ ТУРДЫМУРАТОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА АУДИТ ИШИ СИФАТИНИНГ НАЗОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

УДК: 657.6-051:316.422

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Утегенова Сарбиназ Турдимуратовна

Ўзбекистонда аудит иши сифатининг назоратини такомиллаштириш.....3

Утегенова Сарбиназ Турдимуратовна

Совершенствования контроля качества аудита в Узбекистане.....25

Utegenova Sarbinaz Turdimuratovna

The improvement quality control of audit in Uzbekistan.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УТЕГЕНОВА САРБИНАЗ ТУРДЫМУРАТОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА АУДИТ ИШИ СИФАТИНИНГ НАЗОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt441 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Каримов Акрам Аббасович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Кузиев Ислонжон Насматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Аликулов Абдумўмин Исматович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» 08 куни соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (208 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 08 куни тарқатилди.
(2021 йил «17» 08 даги 34-рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодийнинг глобаллашуви шароитида аудиторлик текширувлари иш сифатининг назорати халқаро стандартлар асосида ташкил этилмоқда. «Корея Республикаси, Латвия, Сингапур, Бразилияда аудиторлик текширувлари тўлиқ халқаро аудиторлик стандартлари, Россия Федерацияси, Хитой ва Япония давлатларида аудиторлик фаолияти миллий ҳамда халқаро аудит стандартлари асосида ташкил этилган»¹. Американинг Ҳисоб Палатаси томонидан келтирилган таърифда айтилишича, «сифатли аудит бу умумқабул қилинган аудит стандартларига мувофиқ равишда ўтказиладиган ва молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини кафолатлайдиган текширувдир»². Демак халқаро стандартлар талаблари асосида аудиторлик текширувларини ўтказиш аудит иши сифатининг ошишига хизмат қилади.

Жаҳон амалиётида олиб борилган тадқиқотлар натижасида тегишли ваколатли орган ва жамоат ташкилотлари томонидан аудит иши сифатининг назоратини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирги жаҳон аудиторлик амалиётида текширувларнинг халқаро стандартлар асосида тўла-тўқис ташкил этилмаганлиги, аудиторлик текширувлари иш сифати масалаларининг комплекс тарзда ўрганилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Шунингдек, аудит иши сифатининг ташқи назоратини ташкил этишнинг самарали механизмларини таркиб топтириш, мазкур тизимдаги турли назоратчи органлар ўртасидаги функционал боғлиқлик ва изчилликни таъминлаш, аудиторлик ташкилотлари ва профессионал жамоат бирлашмалари ўртасидаги устуворлик ҳамда буйсунувчанлик тамойилларининг самарали ишлашини таъминловчи дастакларни йўлга қўйиш, аудиторлик ташкилотларида иш сифатини таъминловчи ички стандартларни қўллашни такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда аудиторлик фаолиятининг нуфузини ошириш ҳамда аудиторлик ташкилотларининг халқаро тармоқларда аъзолигини кенгайтириш борасида жадал ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бироқ ҳали-ҳануз мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш борасида камчиликлар учрамоқда. Хусусан, «аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмас, бу лицензияловчи органнинг ҳуқуқий таъсир чоралари чеклангани шароитида сифатсиз аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳолларига ва аудиторларнинг инсофсиз хатти-ҳаракатларига нисбатан тезкор чора кўриш имконини бермаяпти»³ каби муаммоларнинг мавжудлиги аудиторлик ташкилотлари фаолиятини халқаро талаблар асосида йўлга қўйишда муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Мамлакатимизда аудиторлик

¹ <https://www.ifac.org/knowledge-gateway/supporting-international-standards/discussion/international-standards>

² <https://www.gao.gov/assets/110/101189.pdf>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сонли Қарори. www.lex.uz

ташкilotлари ва аудиторлар иши сифати назоратини амалга оширишда ҳуқуқий, услубий ва амалий муаммоларнинг мавжудлиги мазкур мавзу юзасидан тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аудит иши сифатини назорат қилиш масалалари Э.А.Аренс, Р.Адамс, М.Бенис, Р.Додж, Д.Р.Кармайл, Дж.Лоббек, Дж.Робертсон⁴нинг илмий ишларида батафсил ёритилган, МДҲ мамлакатларининг иқтисодчи-олимлари: Н.П.Барышников, Н.Н.Белуха, С.М.Бычкова, П.И.Камышанов, Ж.А.Кеворкова, В.П.Суйц, А.А.Терехов, А.Д.Шеремет⁵, бундан ташқари республикаимиз олимларидан: К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, Н.Ф.Каримов, З.Т.Маматов, М.Қ.Пардаев, М.М.Тўлахўжаева, И.Н.Қўзиёв ва Б.Қ.Ҳамдамовнинг⁶ илмий ишларида айрим масалалар ўз ечимини топган.

⁴ Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 2013. – 560с.; Адамс Р. Основы аудита. Пер. с англ./под ред. Я.В. Соколова. – М.: ЮНИТИ, 2015.-398с.; Додж Р. Краткое руководства по стандартам и нормам аудита. Пер. с англ.: предисловие С.А.Стукова. – М.: Финансы и статистика, ЮНИТИ, 1992. – 240с.; Робертсон Дж. Аудит / Пер. з англ./Дж. Робертсон – М.: Контакт, 2004. – 496с. Кармайл Д.Р., Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ. – М.: Аудит. ЮНИТИ, 1995.-527с.

⁵ Барышников Н.П. Организация и методика проведения общего аудита. 4-е изд. перер. и доп. – М.: Фининь, 1998. – 528с; Белуха Н.Т. Аудит. Учебник «Знания», КОО, 2000. – 769 с; Бычкова С.М. Аудиторская деятельность. Теория и практика. – СПб.: Лань, 2000. – 320с.; Камышанов П.И. Практическое пособие по аудиту. – М.: ИНФРА-М. 1996. – 522 с.; Международные стандарты аудита/Ж.А.Кеворкова. – М.:Юрайт, 2014. – 458с.; Терехов А.А. Аудит: перспективы развития. – М.:Финансы и статистика, 2001. – 560 с.; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 456 с.

⁶ Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш: 08.00.07: и.ф.н... дисс. автореферати/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – Т., 2016. -76 б., Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубий ва амалиёт: монография. – Т.: Молия нашриёти, 2007. – 276 б. Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини баҳолашни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Молия, 2015.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2006. – 262 б.; Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф. – Т., 2005. – 40 б. – 160б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз олимларининг бажарган илмий-тадқиқот ишлари ва самарали меҳнатларини алоҳида баҳолаш ҳамда аудиторлик текширувлари иши сифати назоратининг элементларини тузиш, аудит ўтказиш тартибини ташкил этишда халқаро аудит стандартларини қўллаш соҳада чуқур илмий изланишлар олиб боришни, илмий самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлган назарий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш лозимлигидан далолат беради. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётининг концептуал йўналиши» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аудит иш сифатининг назоратини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

аудиторлик текширувлари иши сифатини назорат қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

мамлакатимизда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ҳолатини таҳлил қилиш ва уларни ташкил этишдаги муаммоларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аудиторлик ташкилотларида аудиторлик иши сифатининг ташқи назоратини ўтказишда аудиторлик текширувларининг сифат даражасини баҳолаш тартибини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

аудиторлик ташкилотларини таваккалчилик даражаси бўйича тоифаларга ажратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

аудиторлик ташкилотларида сифат назоратини таъминлашда ички стандартларни ишлаб чиқишга доир тавсиялар бериш;

аудиторлик ташкилотлари ташқи сифат назоратининг муаммоларини бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлари, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи ва аудиторларнинг нодавлат профессионал бирлашмалари олинган.

методологик муаммолари: Иқт.фан.док. дис. автореф. – Тошкент: Ўз.Р БМА. 2002. – 43 б.; Тулахўжаева М. Корхона молиявий аҳволи аудити. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 1996 – 193 б.; Қўзиёв И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент-2017. -70 б.; 248 б.; Хамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф. – Т.: 2007. – 260 б.

Тадқиқотнинг предмети аудит иши сифатини назорат қилишни такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, мантикий фикрлаш, сўровнома ўтказиш, кузатиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аудиторлик ташкилотларида иш сифатининг ташқи назоратини «балли баҳолаш» усули асосида ўтказиш асосланган;

таваккалчилик даражаси бўйича паст, ўрта, юқори тоифага ҳамда сифат даражаси бўйича «қизил», «сарик» ва «яшил» ҳудудларда жойлашган аудиторлик ташкилотларига ажратиб харита тузиш асосида назоратни ташкил этиш таклиф этилган;

аудиторлик текширувлари иши сифатини аудиторлик ташкилотларида алоҳида умумий, ишчи ва махсус ички аудит стандартларни жорий қилиш орқали ошириш асосланган;

аудиторлик ташкилотларида ички назоратни ташкил этиш бўйича сўровномани ўтказиш орқали ички сифат назорати тизимининг ҳолатини баҳолаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида аудитнинг халқаро стандартларини жорий этишнинг зарурияти асосланган;

аудиторлик ташкилотлари ташқи сифат назорати тизимининг муаммоларини бартараф этиш йўналишлари ишлаб чиқилган;

аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларига қўйиладиган минимал мажбурий талаблар ишлаб чиқилган;

аудиторлик иши сифатини баҳоловчи сифат ва миқдор мезонлари тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий (амалий) ёндашув ва усулларнинг умумтан олинганлиги ва мақсадга мувофиқлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотларининг расмийлиги, шу жумладан, Молия вазирлиги, Ўзбекистон аудиторлик фаолияти бозорига оид расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги ҳамда ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистонда аудит иши сифати назоратининг назарий ва ташкилий–услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистонда аудит иши сифати назорати жараёнида қўлланиладиган усулларни тизимлаштириш ва асослашда, аудитор иши сифати назоратини ўтказишда йўриқнома сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда аудит иши сифатининг назоратини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аудиторлик ташкилотларида иш сифатининг ташқи назоратини «балли баҳолаш» усули асосида ўтказиш бўйича таклифи Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси томонидан аудиторлик ташкилотлари иши сифатини баҳолаш жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2021 йил 29 мартдаги 14-сон маълумотномаси). Натижада, аудиторлик ташкилотларининг ўз фаолиятининг сифатини давлат томонидан профессионал жамоат бирлашмалари ва аудиторлик ташкилотининг ўзи томонидан баҳолаш имконини берган;

таваккалчилик даражаси бўйича паст, ўрта, юқори тоифага ҳамда сифат даражаси бўйича «қизил», «сарик» ва «яшил» ҳудудларда жойлашган аудиторлик ташкилотларига ажратиб харита тузиш асосида назоратни ташкил этиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг «Аудит иш сифатининг ташқи назорати бўлими» фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 06/17-03-37-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши натижада, аудиторлик ташкилотларини сифат даражасига қараб «қизил», «сарик» ва «яшил» ҳудудларда жойлашган аудиторлик ташкилотларига ажратиб олиб харитасини тузиш назорат қилишда самарадорликни оширган ва вақтнинг тежалишига олиб келган;

аудиторлик ташкилотларида алоҳида умумий, ишчи ва махсус ички аудит стандартларни жорий қилиш орқали аудиторлик текширувлари иши сифатини ошириш бўйича таклифи Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2021 йил 29 мартдаги 14-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида аудиторлик ташкилотларида сифат назоратининг услубий таъминоти такомиллашувига хизмат қилган;

аудиторлик ташкилотларида ички назоратни ташкил этиш бўйича сўровномани ўтказиш орқали ички сифат назорати тизимининг ҳолатини баҳолаш таклифи Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси томонидан жорий этилган (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2021 йил 29 мартдаги 14-сон маълумотномаси). Натижада, аудиторлик ташкилотида сифат назорати харажатларини минималлаштириш ҳамда аудиторлик ташкилотида жараёнлар, усуллар ва ташкилий тузилманинг самарали ишлашини таъминлаш учун ахборотни мақсадли таҳлил қилиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 13 та илмий мақола, нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола,

шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 9 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, олиб борилган илмий тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўрганилганлик даражаси, олий таълим муассасасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади ва ундан келиб чиқадиган вазифалар, тадқиқот объекти, предмети, усуллари, илмий янгиликлари, амалий натижалари, амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилиниши, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида аудит иши сифати назоратини ташкил этишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг иш сифатини яхшилашнинг объектив зарурияти очиб берилган, шунингдек, аудит иши сифатини назорат қилишга оид ёндашувлар баён этилган.

Аудит иши сифатини таъминлашнинг долзарб муаммолари аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг асосий элементлари ва аудиторлик хизмати сифатини таъминлашнинг назарий ҳамда услубий асослари, аудиторлик фаолиятини ташкил этиш даражасини акс эттирувчи аудит стандартлари асосида ҳал қилиниши керак.

Ўзбекистонда аудитни ислоҳ қилишда, бизнинг фикримизча, кўшимча тадқиқотларни талаб қиладиган аудиторлик хизматлари сифатидаги муаммони кўриб чиқишимиз керак. Бу, биринчи навбатда, аудиторлик хизматлари сифатини таъминлашнинг назарий шартларини ўрганишга, сифатни ташкилий ва услубий таъминлашни ривожлантиришга тааллуқли бўлади. Аудитни сифат жиҳатдан ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш аудиторлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, аудитнинг ташкилий моделини ва замонавий шароитда аудиторлик хизмати сифатини таъминлаш тизимини ишлаб чиқишни талаб қилади. Ички аудит стандартларини шакллантириш ва аудиторлик хизматлари сифатини бошқариш методологияси, сифат менежменти фаолиятини ташкил қилиш учун аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш усулларидан фойдаланиш ва аудиторлик хизматлари сифатини баҳолаш етарлича ўрганилмаганлиги боис мавзунинг долзарблиги ўз аҳамиятига эга.

1-расмда Ўзбекистон Республикасида 2007 - 2019 йиллар мобайнида аудиторлик ташкилотлари ва сертификатланган аудиторлар сони кўрсатилган.


2019 йилни 2015 йилги кўрсаткичлар билан солиштирганда аудиторлар сони 21 кишига камайган, аудиторлик ташкилотлари сони эса бир хил кўрсаткични қайд этган. Барча аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг ярмидан ортиғи пойтахтда, яъни Тошкент шаҳрида фаолият юритади, айни пайтда минтақаларда 1 тадан 7 тагача ташкилот ва 6 нафардан 57 нафаргача аудитор рўйхатдан ўтказилган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2007 - 2019 йиллар мобайнида аудиторлик ташкилотлари ва сертификатланган аудиторлар сони⁷

2015 йилдан буён кўрсатилган аудиторлик хизматлари ҳажми 47108,1 млн сўмдан 65701,5 млн сўмгача ошганига эътибор қаратишимиз мумкин. Сўнгги икки йилда 20 794 та хўжалик юритувчи субъектда текширувлар ўтказилган, уларнинг 95%идан ортиғини ижобий фикр билдирилган хулосалар ташкил этган.⁸

2-расмда мамлакатимиздаги аудиторлик ташкилотларида фаолият юритаётган аудиторларни сертификатлаш ҳолатига тўхталиб ўтамиз.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти билан боғлиқ сертификатлар ҳолати⁹

⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

⁸ Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2017 йил якуни расмий маълумотлари

⁹ Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2017 йил якуни расмий маълумотлари

2-расмга кўра 2018 йил 1 январ ҳолатига кўра 34 нафар аудитор СРА, АССА, СРА сертификатларига, 42 нафар аудитор эса ДипИФР ва АССА сертификатларига ҳам эга бўлган.

Аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматлари сифатини яхшилаш ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш учун аудиторлик фаолиятини янада такомиллаштириш, шу жумладан аудиторларнинг мустақиллиги ва профессионал этика стандартларига қатъий риоя қилиш, аудиторларни сертификатлаштириш тизимини ўзгартириш ва соддалаштириш, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар фаолияти устидан назоратни кучайтириш ва бу соҳада ўзини ўзи тартибга солишни ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Аудит сифатига аудиторлик ташкилоти, аудиторлик текшируви ва аудитор таъсир кўрсатади. И.ф.д., профессор А.З.Авлокулов таъкидлашича, аудитнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, аудиторлик фаолиятининг ташкилий асослари тўлиқ шаклланигандан сўнг, асосий эътибор унинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилиши лозим. Аудиторлик хизматларининг сифат кўрсаткичлари аудитнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади¹⁰.

В.Т.Чая мазкур масала бўйича тўхталиб қуйидагиларни таъкидлайди: аудиторлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим муаммолардан бири аудит иши сифатини таъминлаш масалалари ҳисобланади, айниқса, сифат назоратининг концептуал асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган¹¹.

А.М.Рыбакова бизнеснинг ахборот ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун аудиторлик текширувлари сифатли ўтиши керак, деган хулосага келган¹².

Юқорида қайд этиб ўтилган фикрлардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар сифат категориясининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган бўлсаларда, аудит иши сифатининг моҳиятини тўла-тўқис ёритиб бермаган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Аудит иши сифатини назорат қилишнинг амалий ва ташкилий масалалари» деб номланиб, унда Ўзбекистонда аудиторлик текширувларининг иши сифати назоратини амалга оширишда халқаро аудиторлик стандартларини қўллашнинг амалий жиҳатлари, аудит иш сифатини белгилаб берувчи омиллар таҳлили, аудиторлик ташкилотларида ташқи сифат назоратининг асосий йўналишлари баён этилган.

Аудиторлик фаолиятининг стандартлари аудиторлик хизматларининг сифатини таъминлаш, аудиторлик хизматларининг ишончилигини ошириш ва аудиторлик рискин камайтиришда, манфаатдор фойдаланувчилар учун аудит натижаларига ишонч юзасидан ёндашишида намоён бўлади. Аудит стандартлари аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий

¹⁰ Авлокулов А.З. Молиявий натижалар аудити сифатини ошириш масалалари. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2015 йил

¹¹ Чая В.Т. Система контроля качества аудиторской деятельности: проблемы и решения. //Аудит и финансовый анализ. %3, 2012. Стр.259.

¹² Рыбакова А.М. Проверка качества аудита в России. // Экономические и социально-гуманитарные исследования № 2 (2) 2014

усулларига тааллуқлидир ва барча аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий бўлган нормаларни белгилаб беради.

Кейинги пайтларда мамлакатимизда аудиторлик фаолиятида жадал ислохотлар олиб борилмоқда. Натижада аудиторлик хизматлари бозорида ривожланишнинг турли жиҳатлари кўзга ташланмоқда. Шу ўринда аудиторлик фаолияти бўйича ваколатли орган – Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган баъзи маълумотларга тўхталиб ўтсак. Дастлаб аудиторлик ташкилотларининг халқаро тармоқларда қатнашиш даражасига эътибор қаратсак (1-жадвал).

1-жадвал

Аудиторлик ташкилотларининг халқаро тармоқларда қатнашиши¹³

Кўрсаткичлар	Халқаро тармоқдаги аудиторлик ташкилотлари		
	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Халқаро тармоққа кирган аудиторлик ташкилотларининг умумий аудиторлик ташкилотлари сонидаги улуши, %	21,4	21,8	23,2
Халқаро тармоққа кирган аудиторлик ташкилотларида ишлаётган аудиторларнинг жами умумий аудиторлар сонидаги улуши, %	25,9	27,8	26,6

1-жадвал маълумотларига кўра халқаро тармоққа кирган аудиторлик ташкилотлари улуши 2018 йилда 21,4% дан 2020 йилга келиб 23,2 %га ошган. Шунингдек ушбу аудиторлик ташкилотларида ишлаётган аудиторларнинг улуши 2018 йилда 25,9 %ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб мазкур кўрсаткич 26,6 %га етган.

2-жадвалда республикаимиз ҳудудларидаги аудиторлик ташкилотлари томонидан олинган даромадларнинг хизмат турлари бўйича улуши келтирилган.

2-жадвал маълумотларига кўра 2020 йилда жами хизматлар таркибида аудиторлик текширувидан тушган даромадлар улуши 67,6 %ни, турдош хизматлардан тушган даромадлар улуши 32,4 %ни ташкил этган. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида аудиторлик хизматларидан олинган даромадлар улуши 100 %ни ташкил этган. Аксинча, турдош хизматлардан тушган даромадлар улуши Тошкент (74,3 %) ва Фарғона вилоятларида (54,3 %) юқори бўлган.

Агарда «Катта тўртлик» таркибига кирувчи аудиторлик ташкилотларига эътибор қаратсак, ушбу ташкилотларда аудиторлик текширувидан тушган даромадларнинг жами даромадлардаги улуши 30-40 % атрофида эканлиги

¹³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

амин бўламиз. Мазкур ҳолат мамлакатимиздаги аудиторлик ташкилотларида ҳам турдош хизматларни кўпайтириш кераклигидан далолат беради.

2-жадвал

Аудиторлик ташкилотларининг даромадлари таркиби¹⁴

Худудлар	2018 йил		2019 йил		2020 йил	
	Кўрсатилган хизматлар ҳажмида аудиторлик текширувларининг улуши, %	Кўрсатилган хизматлар ҳажмида профессионал хизматларнинг улуши, %	Кўрсатилган хизматлар ҳажмида аудиторлик текширувларининг улуши, %	Кўрсатилган хизматлар ҳажмида профессионал хизматларнинг улуши, %	Кўрсатилган хизматлар ҳажмида аудиторлик текширувларининг улуши, %	Кўрсатилган хизматлар ҳажмида профессионал хизматларнинг улуши, %
Қорақалпоғистон Республикаси	89,5	10,5	100	-	100	-
Андижон вилояти	60,3	39,7	73,4	26,6	78,7	21,3
Бухоро вилояти	100	-	100	-	100	-
Жиззах вилояти	84,0	16,0	78,7	21,3	79,6	20,4
Қашқадарё вилояти	89,6	10,4	87,8	12,2	88,0	12,0
Навоний вилояти	78,3	21,7	63,4	36,6	65,5	34,5
Наманган вилояти	83,8	16,2	85,1	14,9	92,1	7,9
Самарқанд вилояти	94,2	5,8	92,9	7,1	93,1	6,9
Сурхондарё вилояти	100	-	100	-	100	-
Сирдарё вилояти	88,2	11,8	92,2	7,8	97,4	2,6
Тошкент вилояти	79,0	21,0	63,7	36,3	25,6	74,4
Фарғона вилояти	84,0	16,0	71,1	28,9	45,7	54,3
Хоразм вилояти	83,4	16,6	100	-	87,8	12,2
Тошкент шаҳри	75,2	24,8	73,4	26,6	67,6	32,4
Республика бўйича	75,7	24,3	74,0	26,0	67,6	32,4

3-жадвалда ўтказилган аудиторлик текширувлари ва уларда халқаро стандартларнинг қўлланилиши келтирилган.

3-жадвал

Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони¹⁵

Худудлар	2018 йил		2019 йил		2020 йил	
	Мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	шу жумладан АХС бўйича	Мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	шу жумладан АХС бўйича	Мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	шу жумладан АХС бўйича
Республика бўйича	5722	505	5467	492	5098	870
Тошкент шаҳри	3289	413	3281	421	3105	806
бошқа худудлар	2433	92	2186	71	1993	64

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

3-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилда ўтказилган аудиторлик текширувлари сони 2018 йилдагига нисбатан камайган -624 (5098-5722). Мазкур ҳолат коронавирус пандемияси билан боғлиқ. Аммо 2020 йилда ўтказилган халқаро стандартлар асосида ўтказилган аудиторлик текширувлари сони атиги 870 тани ёки жами текширувларининг 17,1 % ини ташкил этган. Бу эса аудит иши сифатини таъминлашда асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

4-жадвалда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилоти фаолияти бўйича айрим кўрсаткичлар келтирилган.

4-жадвал

«КК Audit Servis Servis» аудиторлик ташкилоти фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар¹⁶

№	Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 йилда 2018 йилга нисбатан ўсиши, фоизда
1.	Аудиторлар сони	4	4	4	100
2.	Шу жумладан халқаро сертификатга эга аудиторлар сони	1	1	1	100
3.	Аудитор ёрдамчилари сони	6	4	4	66,7
4.	ЖАМИ тушум, минг сўмда, Шу жумладан	169 104,6	254 355,0	267 646,0	158,3
	Аудиторлик хизматларидан, минг сўмда	169 104,6	254 355,0	267 646,0	158,3
	Турдош хизматлардан, минг сўмда	-	-	-	
5.	Ўтказилган аудиторлик текширувларининг умумий сони, Шу жумладан	103	117	106	102,9
	Мажбурий аудиторлик текширувлари	48	56	67	139,6
	Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари	55	63	36	65,5
	Шу жумладан: ХАС асосида		2	3	-
6.	Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши, сони				
	саноат	1	2	9	900
	қурилиш	8	20	6	75
	транспорт		2		
	қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги		14	27	-
	улгуржи ва чакана савдо	16	28	18	112,5
	молиявий ва суғурта фаолияти				-
бошқалар	78	51	46	59,1	

4-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, аудиторлик ташкилотларидан тушган тушум 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 158,3 %га ошганлигини кўрамыз. Мазкур аудиторлик ташкилотида жами 4 та аудитор фаолият юритаётган бўлса, шундан фақат 1 нафари халқаро сертификатга эга.

¹⁶ «КК-Audit Servis» аудиторлик ташкилоти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Шунингдек, мазкур аудиторлик ташкилоти томонидан ҳар уччала йилда ҳам турдош хизматлардан даромад олинмаган. Мазкур ҳолатлар аудиторлик ташкилоти фаолиятини такомиллаштиришни ва аудитор иши сифати назоратини яхшилашни талаб қилади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, аудиторлик ташкилотлари ташқи сифат назорати 2 дан 5 гача бўлган баҳода баҳоланишини тавсия этамиз (5-жадвал).

Аудиторлик текширувларининг сифат даражасини «балли баҳолаш» усули қуйидаги формула билан аниқланади¹⁷:

$$K = \sum_{i=1}^n K_{i\max} / \sum_{i=1}^n K_i \quad (1)$$

Бу ерда, K-сифат коэффиценти, K_i-параметр бали, i-ҳисобга олинган параметр, n-параметрлар сони, K_imax – ҳар бир параметр учун максимал миқдор. Юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланиб, аудитор текшираётган иш ҳажмининг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, тегишли коэффицентни шакллантириб олиши зарур. Танлаб олинган коэффицентлар мутаносиблигининг таъминланиши статистик ҳисоб-китоб ишларини тезкор ва шаффоф ҳисоблаш имкониятини беради. Мамлакатимизда аудиторлик ташкилотларининг ўз фаолиятини сифатини давлат томонидан, профессионал жамоат бирлашмалари ва аудиторлик ташкилотининг ўзи томонидан баҳолаш имкониятини беради.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик ташкилотининг ташқи сифат назорати бўйича баҳоланиши¹⁸

№	Баҳонинг маъноси	Баҳо
1	Аудиторлик ташкилотининг фаолияти аудитнинг сифатини тўлиқ таъминлайди ва халқаро аудиторлик стандартлари талабларига мос равишда ўз фаолиятини олиб боради	5 (аъло)
2	Аудиторлик ташкилотининг фаолияти аудитнинг сифатини таъминлайди ва халқаро аудиторлик стандартлари талаблари асосида айрим камчиликлари билан ўз фаолиятини олиб боради	4 (яхши)
3	Аудиторлик ташкилоти аниқланган камчиликлар мавжудлиги сабабли, сифатни таъминлаш учун жиддий ташкилий ислохотларни амалга ошириш керак. Аниқланган камчиликлар Халқаро аудиторлик стандартлари талаблари тўлиқ бажарилмаслигидан далолат беради.	3 (ўрта)
4	Аудиторлик ташкилоти «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Халқаро аудиторлик стандартларига ва аудиторларнинг касбий ахлоқ Кодексига мос келмайди.	2 (қониқарсиз)

Аудиторлик ташкилотлари сифат даражаси бўйича уч тоифага ажратилиши ва аудиторлик ташкилотларини сифат даражасига қараб «қизил», «сарик» ва «яшил» ҳудудларда жойлашган аудиторлик ташкилотларига ажратиб олиб харитасини тузиш таклифи берилган (3-расм).


¹⁷ Муаллиф томонидан тавсия этилган.

¹⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ- 5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ аудиторлик ташкилотлари ташқи назоратдан ўтказилмади, 2020 йилдан бошлаб аудиторлик ташкилотларининг ташқи назорати бошланади. Аудиторлик ташкилотлари риск даражаси бўйича уч тоифаға ажратилиши мақсадға мувофиқдир ва аудиторлик ташкилотларини сифат даражасига қараб «қизил», «сарик» ва «яшил» ҳудудларда жойлашган аудиторлик ташкилотларига ажратиб олиб, харитасини тузиш назорат қилишда самарадорликни оширади ва вақтнинг тежалишиға сабабчи бўлади.

Аудит иши сифатининг ташқи назоратини ўтказишда муайян камчиликлар ҳам кузатилади. Нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда ҳам аудит иши сифатининг ташқи назорати асосан аудиторлик текширувлари бўйича ўтказилади. Бироқ турдош хизматларға унчалик катта эътибор қаратилмайди. Агарда ривожланган давлатларда аудиторлик ташкилотлари оладиган даромадларға эътибор қаратилса, турдош хизматлардан олинadиган даромад катта салмоққа эға.

Аудиторлик ташкилотларини сифат даражасига қараб “қизил”, “сарик” ва “яшил” ҳудудлар риск даражасини баҳолаш харитаси



3-расм. Аудиторлик ташкилотларининг сифат даражаси бўйича тоифаланиши¹⁹

Фикримизча, аудит иши сифати назоратини таъминлаш учун қуйидагиларни амалға ошириш керак:

1. Аудит иши сифатининг ташқи назоратини амалға оширувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш зарур. Мамлакатимизда аудит иши

¹⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

сифатининг ташқи назоратини амалга оширишнинг методологик масалалари тўлиқ ўз ечимини топмаган. Шу боис аудит иши сифатининг ташқи назоратини амалга оширувчи мутахассисларнинг малакасини аудиторлик фаолияти ривожланган мамлакатларда ошириш керак. Бунда, энг аввало, ташқи сифат назоратининг ташкилий, методологик ва амалий жиҳатларини ўрганиш зарур. Аудит иши сифатининг ташқи назоратини амалга оширишда аудит принципларига риоя қилиш, энг аввало, мустақиллик ва махфийликнинг таъминланганлигига эътибор қаратиш зарур.

2. Аудит иши сифатини назоратининг ошкоралилигини ошириш зарур. Фикримизча, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси ва Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг расмий сайтларида аудит иши сифатининг ташқи назорати натижаларини эълон қилиб бориш зарур. Агарда Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси расмий сайтига эътибор қиладиган бўлсак, фақатгина ташқи назоратдан ўтган аудиторлик ташкилотлари номи, санаси ва гувоҳнома рақами берилганлигини кўрамиз. Бироқ ташқи назоратнинг батафсил баёни келтирилмаган, яъни қанақа камчиликлар аниқланди ва уларни қай тарзда бартараф этиш керак, деган саволлар очик қолмоқда. Ташқи сифат назоратининг ошкоралилигини таъминлаш нафақат аудиторлик ташкилоти учун, балки аудиторлик текширувидан манфаатдор бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам муҳим ҳисобланади.

3. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган субъектлар фаолиятини текширувчи аудиторлик ташкилотлари иши сифати ташқи назоратига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган субъектлар мамлакат иқтисодий тарққиётида муҳим роль ўйнайди. Улар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради. Шу боис мазкур турдаги субъектларни текширувчи аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назоратига муҳим эътибор қаратиш зарур.

4. Ташқи сифат назоратини ўтказувчи мутахассисларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарур. Агарда мазкур мутахассислар моддий жиҳатдан бошқа бировга қарам бўлмаса, улар томонидан ўтказилган сифат назорати натижалари ҳам объектив бўлади.

